

## **СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН МОХИЯТИ**

Сейдабуллаева Н. Т.

Қорақалпоқ давлат университети  
nargiza.seydabullaeva@bk.ru

### **Аннотация:**

Ушбу мақолада сиёсий коммуникациянинг мазмун-моҳияти, ўзига хос ҳусусиятлари, қолаверса, «коммуникация» атамасининг маъноси эволюцияси ва сўзни ишлатиш амалиёти ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** сиёсий коммуникация, концепция, давлат бошқаруви, сиёсий фаолият, алоқа, ахборот, ёндашув.

Сиёсий коммуникациянинг ўзига хос ҳусусиятларини сиёсий соҳада содир бўлаётган фаолият ёки маҳсус жараён сифатида кўриб, "коммуникация" атамасининг мазмунини аниқлашдан бошлиш керак. Хорижий ва маҳаллий тадқиқотларда ушбу концепцияга кўплаб таърифлар берилган, лекин у ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу асосан "коммуникация" атамасининг маъноси эволюцияси ва сўзни ишлатиш амалиётининг ўзгариши билан боғлик. "Сиёсий коммуникация" атамасининг пайдо бўлиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади, аммо, шундай бўлса-да, коммуникациядан жамиятга таъсир қилиш воситаси сифатида фойдаланишга оид мисолларни қадимги тарихда ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, Арасту биринчи марта сиёсий фаолиятни коммуникация нуқтаи назаридан кўриб чиқади, уни "қандайдир яхшилик учун мулоқот" деб таърифлайди<sup>1</sup>.

Шарқда ҳам давлат бошқарувида сиёсий коммуникация тизимиға эътибор жуда юқори бўлган. Буни Низомулмulkнинг “Сиёсатнома” асаридағи келтирилган фикрлар ва ҳикоятлардан билиш мумкин. Низомулмulk сарой ва фуқаролар ўртасида доимий алоқа ва ахборот алмашуви бўлиб туришини

<sup>1</sup> Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т. 4 / Пер. с древнегреч.; общ. ред. А. И. Доватура. —М.: Мысль, 1983. — Б. 830.

**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities  
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

**Date:** 1<sup>st</sup> February, 2023

**ISSN:** 2835-3196

**Website:** econferenceseries.com

тарафдори бўлган. У ўз китобида шундай ёзади: “Одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, шунда улар қаршилик қилмасинлар ва қайси бир муқатеъ шундай қилса, қўлини қисқартириб, иқтаъсини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак”<sup>2</sup>. Низомулмулк шоҳ ва халқ ўртасидаги муроқотга тўсиқ бўлувчи омилларни ҳам кўрсатиб ўтган. У ёзадики: “Олдин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, Ажам шоҳлари бир дўкон ясад, уни отга юклаб саҳрого олиб борарканлар, токи ўша жойда йиғилган мазлумларни кўриб, ҳар бирининг арзини эшитиб олиш мумкин Аллоҳ таоло неъматлари қадри подшоҳларники бўлсин. Бунинг сабаби шу эдики, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда даҳлиз, долон, эшик ва парда пайдо бўлади. Ғаразли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекаётганларни подшоҳ олдига қўймайдилар”<sup>3</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида коммуникацияга катта эътибор берган. Унинг жойлардаги мавжуд аҳвол ҳақида тўла ахборотга эга бўлишида ва қарорларни қабул қилишида маҳсус ахборотларни етказиб турувчи институтларнинг роли катта бўлган. Жумладан, «У (хабаргир)лар чоратрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзалкўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлари, нарху наволари тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Улар текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёrlари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёкиузоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқдами, шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию факирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва насабини, уларнинг ҳунари ва воситаларини баён қилардилар. Натижада Темур ўз фикри билан шу нарсаларни яққолкўриб,

<sup>2</sup> Низомулмулк. “Сиёсанома”. – Т.: 2019. – Б. 20

<sup>3</sup> Ўша манба. 21-бет.



тафаккури воситасида ўз ерларини хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди»<sup>4</sup>.

Кейинчалик, Шарқда ҳам Ғарбда ҳам жамият ривожланиши билан янги коммуникация воситаларининг пайдо бўлиши, сиёсатнинг коммуникацион можияти ҳақидаги ғоялар кенгайиб, янги ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Масалан, Н. Макиавелли ўз асарларида<sup>5</sup> Уйғониш даврида фуқароларнинг сиёсий онгига таъсир этиш механизмларига тўхталган.

Замонавий Ғарб дунёсида матбуот эркинлиги атрофидаги зиддиятлар пайтида Ж. Милтон, С. Монтескъё, Ж. Милл каби либерал-демократик қанот вакилларининг оммавий ахборот воситалари – давлат ҳаракатларини назорат қилиш воситаси, деган ғоялари асосан Ғарбдаги замонавий сиёсий коммуникация хусусиятларини олдиндан белгилаб қўйган эди.

Кундалик нутқда коммуникация кўпинча одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир (ижтимоий алоқа бундан мустасно), манзилларни туташтириш усуллари (транспорт алоқаси) ва кўп одамларга маълумот узатишнинг техник воситалари (оммавий алоқа) деб номланади. Коммуникациянинг ўзига хос тури – бу табиатдаги ўзаро таъсир, яъни ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўртасидаги алоқанинг сигнал усулларидир.

Гуманитар фанларда коммуникация ижтимоий ўзаро таъсир билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида қаралади, у тўғридан-тўғри (юзма-юз) ёки воситачилик қилиши мумкин (техник воситалар ҳам, мулоқотнинг бошқа иштирокчилари ҳам воситачи вазифасини бажариши мумкин). Бу тушунча йигирманчи аср бошларида ижтимоий ўзгариш жараёнлари, техник воситаларнинг инсоннинг кундалик ҳаётига таъсири кучайиши натижасида ривожланди.

Саноат, технологик ва коммуникацион инқилоблар шароитида жамиятдаги таркибий ўзгаришлар муаммосига биринчи бўлиб Америкалик социологлар ва психологлар эътибор қаратган эди. Коммуникацияга оид биринчи таърифларидан бири машҳур Америкалик социолог Чарлз Кулига тегишли,

<sup>4</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.: Мехнат, 1992 .-Б. 71.

<sup>5</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор. –Т.: 2019. Б.144.



деган қарааш бор. Ижтимоий организмни ижтимоий ўзаро боғлиқлик иплари билан ўралган шаклланиш сифатида ўрганиб, тадқиқотчи қуидаги таърифни шакллантириди: "Коммуникация – бу инсонларга хос муносабатларининг мавжудлиги ва ривожланиши мумкин бўлган механизм сифатида тушунилади. У юз ифодалари, мулоқот, имо-ишоралар, овоз оҳанглари, сўзлар, ёзув, матбаа, темир йўллар, телеграф, телефон ва макон ҳамда вақтни забт этишдаги сўнгги ютуқларни ўз ичига олади. Коммуникация воситалари ва ташқи дунёning қолган қисми ўртасида аниқ чегара йўқ. Бироқ, ташқи дунё билан муносабатлар туғилиши билан бирга, факат фикрларни узатишга мўлжалланган стандарт белгилар тизими пайдо бўлади, ундан коммуникациянинг анъанавий ривожланиши бошланади"<sup>6</sup>.

1950–1960-йилларда Америкалик тадқиқотчилар коммуникацияни моделлаштиришга катта эътибор беришди, бу математика ва кибернетиканинг гуманитар фанлар бўйича таъсири ортиб бораётгани билан боғлиқ эди, натижада тадқиқот амалиётида энг оператив ва кенг қўлланиладиган бешта компонентли чизиқли модел ишлаб чиқилди.

Россиялик олим М.Н. Грачевнинг таъкидлашича, "классик анъаналардаги таҳлилнинг асосий обьекти бу – мулоқотнинг ўзи эмас,



унинг ижтимоий-

иқтисодий ва сиёсий контексти, аниқ ижтимоий гурӯхларнинг манфаатларини ифодаловчи хабарларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос тарихий шартлари билан боғлиқ"<sup>7</sup>.

<sup>6</sup>Кули Ч. Х. Общественная организация. Изучение углубленного разума // Тексты по истории социологии XIX–XX веков: Хрестоматия /Сост.: В. И. Добреньков, Л. П. Беленкова. М., 1994.Б. 379.

<sup>7</sup> Грачев М.Н. Политическая коммуникация: теоретические концепции, модели, векторы развития, М.: Прометей, 2004. – Б. 238



**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities  
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

**Date:** 1<sup>st</sup> February, 2023

**ISSN:** 2835-3196

**Website:** econferenceseries.com

Сиёсий коммуникация – бу умумий маълумотга қўра, сиёсий маълумотни бир шахсдан (гурухдан) бошқа шахсга (гурухга) ўтказиш жараёнидир<sup>8</sup>.

Шундай қилиб, сиёсий коммуникация сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки Л.Пай таъкидлаганидек, "ҳар қандай жамиятда сиёсий ҳаётнинг мавжудмисиёсий коммуникацияларисиз яшаш мумкин эмас"<sup>9</sup>.

Сиёсий соҳадаги коммуникациянинг аҳамиятини ортиқча баҳолашнинг деярли имкони йўқ, чунки айнан шу нарса замонавий жамиятларни бир бутунга бирлаштиради ва шунинг учун ҳамма кўрадиган виртуаллик ҳақиқий аҳамият касб этади<sup>10</sup>. Замонавий тадқиқотчилар бугунги кунда сиёсий коммуникация факат кўп босқичли сиёсий ахборот айланиш тизими эмас, балки у "сиёсий жараённинг семантик контекстини" қамраб олади, дея ҳақли равища таъкидлайдилар<sup>11</sup>. Шу билан бирга, коммуникатив (маъномазмунини, сиёсий воқеа-ходисаларга муносабатни узатиш) ва коммуникацион актлар (алоқа техник воситалари ёрдамида маълумот узатиш) сиёсий коммуникациянинг ажралмас жиҳатлари ҳисобланади.

Америкалик олим Г.Лассуэлл тарғиботни сиёсат соҳасидаги коммуникатив таъсирнинг асосий шакли деб ҳисоблаган, уни "муҳим белгиларни манипуляция қилиш орқали жамоавий танловларни бошқариш" жараёни деб тушунган<sup>12</sup>. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари алоҳида аҳамиятга эга, чунки замонавий дунёда сиёсий коммуникация асосан оммавий мулоқот тарзида амалга оширилади. Г. Лассуэллнинг классик таърифига қўра, оммавий коммуникация – бу "техник воситалар орқали узатиладиган хабарлар

<sup>8</sup> Janda K., Berry J., Goldman J. The Challenge of Democracy: Government in America. Boston: Houghton Mifflin Company, 1989. –Б. 188.

<sup>9</sup> Цит. по: Грачев М. Н. Политика. Политическая система. Политическая коммуникация. М.: НОУ МЭЛИ, 1999. – Б. 123.

<sup>10</sup>Луман Н. Реальность массмедиа. М.: Праксис, 2005. – Б. 256.

<sup>11</sup> Иванов Д. Д. Политическая коммуникация в современной России: особенности функционирования и тенденции развития. Автореф. ... к.полит.н. М., 2014. – Б. 15.

<sup>12</sup> Lasswell H. D. The structure and function of communication in society //The Communication of Ideas / Ed. L. Bryson. New York, 1948. Б. 37–51.

ёрдамида коммуникаторнинг аудиторияга мақсадли таъсири"<sup>13</sup> ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари аудиторияси омма ҳолатида бўлгани учун, яни улар ўзаро ажратилган, алоҳидаланган шахслар бўлгани учун ўзаро мулоқот қилиш имкониятидан маҳрум бўлишади, бундай шароитда томошабинларга маълум ғояларни сингдириш жуда осон. Илмий адабиётларда бу нуқтаи назар "сехрли ўқ" назарияси деб аталади<sup>14</sup>.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши шароитида сиёсий коммуникацияларни ўрганишга оид замонавий тадқиқотлар ва ёндашувларнинг ўрнини тушуниш учун, сиёсий коммуникацияга оид назарий тушунчаларнинг шаклланиш тарихидаги асосий босқичларни қисқача тавсифлаб берамиз. Бунинг учун замонавий сиёсий коммуникацияларни ўрганишга асос бўлган омилларни концептуал жиҳатдан ажратиб кўрсатамиз. Юқорида таъкидланганимиздек, "сиёсий коммуникация" атамасининг ўзи турли илмий манбаларда жуда кўп талқин қилинмоқда. Улар орасида нисбатан тўлиқ ва кўп ишлатилгани Р.Ж. Шварценберг талқинидир: "сиёсий коммуникация – сиёсий ахборотни узатиш жараёни бўлиб, у орқали сиёсий тизимнинг бир қисмидан иккинчисига ва сиёсий ҳамда ижтимоий тизим ўртасидаги маълумотлар тарқатилади. Шахслар ва барча даражадаги гуруҳлар ўртасида доимий равища маълумот алмасиши жараёни кечади"<sup>15</sup>.

Россиялик олим В.В. Латыновнинг таърифига кўра "сиёсий коммуникация – сиёсий ҳаёт субъектлари, шу билан бир қаторда, давлат ва фуқаролар ўртасида кечадиган расмий ва норасмий даражадаги маълумотлар алмашинувиdir"<sup>16</sup>.

<sup>13</sup> Қаранг: Терин В. П. Массовая коммуникация: социо-культурные аспекты политического воздействия: исследование опыта Запада. М.: Издательство Института социологии, 1999. Б. 44.

<sup>14</sup> Lowery S., DeFleur M. L. Milestones in Mass Communication Research: Media Effects. N.Y.: Longman, 1983. P. 23.

<sup>15</sup> Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. Ч.1. М.: 1992. – Б 174.

<sup>16</sup> Латынов В.В. Политическая коммуникация // Политическая энциклопедия: В 2 т. Т.2.М.: 1999. - Б. 172-173.

А.И.Соловьев бу атамани "ўзаро маълумотларнинг йўналтирилган узатилиши асосида ўрнатилган алоқа шакли"<sup>17</sup> деб изоҳлайди. "Сиёсий" ва "сиёсий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар" таърифларига аниқлик киритиб, М.Н. Грачев сиёсий коммуникацияни "ҳокимият учун кураш ёки уни амалга ошириш жараёнида ахборот алмашиш орқали сиёсат субъектларининг ўзаро таъсирининг семантик томони сифатида" тавсифлайди. "Бу сиёсий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни мақсадли равишда узатиш ва танлаб олиш билан боғлиқ бўлиб, уларсиз сиёсий жараённинг ҳаракати имконсиздир"<sup>18</sup> деб ёзади муаллиф. И.А. Бронников, ўз навбатида, коммуникация "сиёсатга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир кўрсатса, ҳокимият-бошқарув муносабатлари соҳасига тегишли бўлса ёки ҳокимият масалаларига қайсиdir томондан алоқадор бўлсагина – сиёсий характерга эга бўлади", деб таъкидлайди. "Бинобарин, сиёсий коммуникация ахборотни мақсадли равишда узатиш ва танлаб қабул қилиш билан боғлиқ бўлиб, уларсиз сиёсий жараённинг ҳаракати имконсиздир"<sup>19</sup>. Бу далил сиёсий коммуникацияни унинг бошқа турларидан ажратиб туради, чунки "сиёсий коммуникация нафақат ахборотни етказади, балки фойдаланувчига ҳиссий таъсир кўрсатади, дунёдаги сиёсий манзаралар ҳақида инсон онгидаги мавжуд бўлган тасаввурларини ўзгартиради"<sup>20</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмида техник қурилмаларда ахборот алмашинувини тартибга солувчи тамойилларга бўйсуниб, коммуникацияни маълум бир ижтимоий муҳитда содир бўлаётган жараён сифатида тушуниш анъанаси пайдо бўлди.

"Шаффофф жамоатчилик" (The phantom public, 1925) асарларида Липпман халқнинг давлат ишларини бошқариш қобилиятини инкор этиб, "ҳамма нарсани билувчи ва ҳамма нарсага қодир фуқаро ҳақидаги афсонани" танқид

<sup>30</sup> Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации // Полис, 2002. №3. – Б.7.

<sup>31</sup> Грачев М.Н. Политическая коммуникация: понятие, сущность, М.: РАПН, 2012. – С.84.

<sup>19</sup> Бронников И.А. Политическая коммуникация и современность // NB: Вопросы права и политики. – 2013. – № 4. – С.68.

<sup>20</sup> Современная политическая коммуникация: учеб. пособие / Ответ. ред. А.П. Чудинов /Урал. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2009. – Б. 18.

остига олади. Олим "ҳақиқий сиёсий қарорлар маълум доирадаги одамлар томонидан қабул қилинишини" таъкидлайди. Липпман демократия чекловларининг манбасини оддий одамнинг мураккаб ижтимоий воқеликни тушуна олмаслигига кўради. Бунинг учун одамларнинг на вақти бор, на билими, газета ва радио орқали олган маълумотлари эса тўлиқ эмас ёки ўзгартирилганлигини айтади. Одамларнинг камдан-кам ҳолларда ўз манфаатларини тушуниши ва уларни оқилона талаб қилишни билмалигини таъкидлайди. Липпман "стереотип" концепциясини илгари суради – яъни, одам, обьект ёки муаммонинг соддалаштирилган ёки бузилган кўриниши. Липпманнинг сўзларига кўра, одамларда стереотиплар хукмронлик қиласи ва ҳеч қандай сайлов тизими ва мулк тақсимотидаги ўзгаришлар бу муаммонинг илдизларини йўқ қила олмаслигини айтиб ўтади олим.

Шуниси эътиборга лойиқки, технологияга йўналтирилган илмий парадигма билан бир қаторда коммуникацияни тадқиқ қилишда бошқа йўналиш – семиотикнинг жадал ривожланиши кузатилди. Европалик (Э. Гуссерль, Ф. де Соссюр, Г. Фреге) ва Америкалик (Ч. Пирс, У. Моррис, П. Грайс) олимлар амалда "коммуникация" тушунчасини қўлламаганлар, лекин аслида улар соҳага оид асосий тушунчаларни ишлаб чиқишиган.

Коммуникация назарияси асослари бўйича замонавий Америка дарслкларида "коммуникация" таърифи бешта лексема ёрдамида тасвирланган: ижтимоий, жараён, рамз, маъно, атроф-муҳит<sup>21</sup>. Бу эса ахборот жараённи ва семиотик илмий парадигмалар яқинлигин ифодалайди.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т. 4 / Пер. с древнегреч.; общ. ред. А. И. Доватура. — М.: Мысль, 1983. — Б. 830.
2. Низомулмулк. "Сиёсатнома". – Т.: 2019. – Б. 20
3. Ўша манба. 21-бет.
4. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.: Мехнат, 1992 .-Б. 71
5. Макиавелли Н. Хукмдор. –Т.: 2019. Б.144.

<sup>21</sup> West R., Turner L. H. Introducing communication theory. Analysis and application. New York, 2007. Б. 5.



**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities  
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

**Date:** 1<sup>st</sup> February, 2023

**ISSN:** 2835-3196

**Website:** econferenceseries.com

6. Кули Ч. Х. Общественная организация. Изучение углубленного разума // Тексты по истории социологии XIX–XX веков: Хрестоматия /Сост.: В. И. Добреньков, Л. П. Беленкова. М., 1994.Б. 379.
7. Грачев М.Н. Политическая коммуникация: теоретические концепции, модели, векторы развития, М.: Прометей, 2004. – Б. 238
8. Janda K., Berry J., Goldman J. The Challenge of Democracy: Government in America. Boston: Houghton Mifflin Company, 1989. –Б. 188.
9. Цит. по: Грачев М. Н. Политика. Политическая система. Политическая коммуникация. М.: НОУ МЭЛИ, 1999. – Б. 123.
10. Луман Н. Реальность массмедиа. М.: Практис, 2005. – Б. 256.
11. Иванов Д. Д. Политическая коммуникация в современной России: особенности функционирования и тенденции развития. Автореф. ... к.полит.н. М., 2014. – Б. 15.
12. Lasswell H. D. The structure and function of communication in society //The Communication of Ideas / Ed. L. Bryson. New York, 1948. Б. 37–51.
13. Қаранг: Терин В. П. Массовая коммуникация: социо-культурные аспекты политического воздействия: исследование опыта Запада. М.: Издательство Института социологии, 1999. Б. 44.
14. Lowery S., DeFleur M. L. Milestones in Mass Communication Research: Media Effects. N.Y.: Longman, 1983. Р. 23.
15. Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. Ч.1. М.: 1992. – Б 174.
16. Латынов В.В. Политическая коммуникация // Политическая энциклопедия: В 2 т. Т.2. М.: 1999. - Б. 172-173.
17. Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации // Полис, 2002. №3. – Б.7.
18. Грачев М.Н. Политическая коммуникация: понятие, сущность, М.: РАПН, 2012. – С.84.
19. Бронников И.А. Политическая коммуникация и современность // NB: Вопросы права и политики. – 2013. – № 4. – С.68.
20. Современная политическая коммуникация: учеб. пособие / Ответ. ред. А.П. Чудинов / Урал. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2009. – Б. 18.
21. West R., Turner L. H. Introducing communication.